

Шариатнинг мақсадлари ва қоидалари



13:47 / 22 февраль 420

Баъзилар одамларни ўзининг соқоли, салласи, чакмони билан алдайди. Ҳамма уни суннатга мувофиқ юрар экан деб, айтган гапи воқеликка зил бўлса ҳам, мана шуни шариат деб ўйлайди. Қарабсизки, ўша одам турли масалалар ҳақида гапириб, фатво бераверади.

«Мақосидуш-шариъа», «Қоваъидуш-шариъа» бу икки мавзу таҳаллул йўналишига тегишли. Таҳаллулчилар шариатнинг ҳукмларини баён қилишда мана шу икки мавзуга кўп суянишади. Бу икки мавзунинг бири – мақосидуш-шариъа (шариатнинг мақсадлари), иккинчиси – қоваъидуш-шариъа (шариатнинг қоидалари). Шу икки мавзунинг ҳар бирига масала ойдинлашадиган даражада қисқача тўхталиб ўтамыз, иншааллоҳ.

Шу ўринда кўп бериладиган саволлардан бирини келтириб ўтаемиз. «Бугунги кунда мазҳаб ичидаги мужтаҳидлар борми? Агар бўлса, уларнинг вазифаси нимадан иборат?» деб сўрашади.

Бу саволга жавоб шуки, ижтиҳод тўхташи мумкин эмас. Ким ижтиҳод тўхтаган, деб ўйласа, «Исломга амал қилиш тўхтади», дегани бўлиб қолади, чунки ижтиҳод диннинг амалга татбиғини акс эттиради. Юқорида айтилганидек, бизга шариат ҳукмларини қарор топтириб берадиган мужтаҳидлар керак. Бу ҳам ижтиҳоднинг бир тури. Толиби илмлар илм ўрганишни бошлаб, баъзи фикҳий масалаларни ўрганиб, сўнгра бу масалаларни ўзига татбиқ қилади ёки бошқа одамга етказиши. Бу ҳам ижтиҳоднинг бир тури. Буни «амалга татбиқ қилиш ижтиҳоди» дейилади. Ибн Обидин ва Ибн Ҳумом роҳимаҳуллоҳлар ҳам: «Бу нарса керак, бу ҳам ижтиҳоднинг бир тури», дейишган.

Яна шундай ижтиҳод борки, мўътамад қавлни бошқасидан ажратиш, билиб олишимиз керак, чунки саҳиҳ, мўътамад бўлмаган қавлга амал қилиш мумкин эмас. Бундай ижтиҳод жуда ҳам зарур, чунки биз қавлларни ажрата олмасак, заиф қавлларга, олинмаган қавлларга амал қилиб қўямиз. Бу эса жоиз эмас, чунки бундай қавллар йўқ ҳукмида бўлади. Шунинг учун ҳам бизга қавллар орасини таржиҳ қиладиган ижтиҳод керак.

Биз юқорида ўз наздида рожиҳ бўлган қавллардаги ижтиҳод ҳақида гаплашган эдик. Бундай ижтиҳодларда биз таржиҳга эҳтиёж сезмаймиз, аммо «зоҳири ривоя»ни «зоҳири ривоя» бўлмаган китоблардан, мазҳабда мўътамад бўлган қавлларни бошқа қавллардан фарқлашда қавлларни таржиҳ қилиш амалиётига эҳтиёж сезамиз. Қозиликка, қонунлар тайёрлашга, иқтисодга, шаръий жиҳатга тегишли масалаларда бир нечта қавллар бор. Бу масалаларда гоҳида заиф қавлни бошқаларидан устун қўйишга, Абу Ҳанифа роҳимаҳуллоҳдан бошқаларнинг қавлини олишга тўғри келади. Шундай қилиш ҳам керак, бундай қилинмаса, катта-катта муаммоли ҳукмларга дуч келиб қолинади.

Тўртинчи ижтиҳод тури шуки, бизда ҳар куни янгилашиб турадиган масалалар бор. Шундай масалалар сўраладики, бу масалаларнинг ўхшаши бўлмайди, уларни фикҳ китобларидан ҳам топа олмаймиз. Бу пайтда ўша масалани мустақил, ўзимиз таҳриж қилишдан бошқа чорамиз қолмайди. Таҳрижсиз, таржиҳсиз, қавлларни ажратиш, улардан бирини қарор топирмай туриб, одамлар воқеликда амал қиладиган фикҳни яратишнинг иложи йўқ.

Шу ўринда бир нуқтага тўхталиб ўтишимиз керак. Биз фақат мазҳаб тутишни, мерос бўлиб келаётган фикҳий мазҳабларни ҳақ деб айтамыз. Лекин таҳаллулчилар, ташаддудчиларнинг гапиришига эшик очган нарса нима? Бунга сабаб бўлган нарса – мазҳаб тутганлар тарафидан йўл қўйилган камчиликлардир. Шунинг учун мазҳаб тутадиганлар ичида зоҳирга қараб амал қиладиган мазҳаблар пайдо бўлди. Уларда ижтиҳод умуман йўқ. «Қудурий»ни ўқийди, «Виқоя»ни, «Ниқоя»ни ўқийди-да, улардаги масалаларни бугунги кунга, бугунги замонга қандай бўлса, шундай татбиқ қилавермоқчи бўлади. Кейин эса одамларга ижтимоий, сиёсий, иқтисодий, ҳарбий масалаларда қайси тўхтамни айтишда бугунги воқелик билан тўқнашади. Одамлар эса ўзи эҳтиёж сезган масалаларда фатво олишни истайди.

Шунинг учун ташаддудчилару таҳаллулчилар янги пайдо бўлган шаръий масалалар ҳақида гапиришга журъат қила бошлади. Улар бу масалаларни гапиришда мазҳабдагилардан фаолроқ, сон жиҳатидан ҳам улардан кўпроқ. Биз ҳали озгинадан кейин таҳаллулчилар фақат ўзининг ақлидан келиб чиқиб гапиришини айтиб ўтамыз. Лекин ўша таҳаллулчиларнинг гапиришига йўл очган сабаблардан бирини айтадиган бўлсак, таҳаллулчилар умумий ҳолда одамнинг ақлига тўғри келадиган ҳукмларни келтиради, натижада бу ҳукмлар қабул қилинади, одамларнинг ақлини шу нарса эгаллаб олади.

Яна бошқалар одамларни ўзининг соқоли, салласи, чакмони билан алдайди, ҳамма уни суннатга мувофиқ юрар экан деб, унинг айтган гапи воқеликка муҳолиф бўлса ҳам, мана шуни шариат деб ўйлайди. Қарабсизки, ўша одам турли масалалар ҳақида гапириб, фатво бераверади.

Мен айтаётган ҳолатларга шоҳидлик берадиган яна бир нарса – тўрт фикҳий мазҳабдан дарс берадиган шайхларда бўладиган ҳолатлардир. Мана шу нарса ҳам бошқаларга фикҳ ҳақида гапиришга йўл очиб берган, мана шу ўйинга йўл очиб қўйган. Мазҳабдагиларнинг кўпида «Ижтиҳод йўқ, мен фақат фикҳий иборани ўқиб, шуни нақл қиламан, холос. Менинг замонимдаги гап шу. «Қудурий»нинг, «Ниқоя»нинг иборасини ўқиб, одамларга нақл қиламан», деган фикрлаш бор.

Хўп, буни фаҳмлаш-чи? Бу ҳукмнинг замонга муносиб ёки муносиб эмаслиги-чи? Ахир матнни олмай туриб ҳам шарҳдаги, фатволардаги гапларни олишимиз мумкин-ку! Мана шу замонга, одамларга муносиброқ бўлади-ку! Кўриниб турибдики, юқоридаги мазҳабга эргашадиганлардан

содир бўлган бу йўналиш жуда ҳам заиф экан.

Бу ҳақда жуда кўп гапирсак бўлади, лекин биз учун энг муҳими – бу йўлнинг хатолиги, хатарли эканидир. Фикрламасдан, таржиҳ қилмасдан, қиёсламасдан, воқеликнинг риоясини қилмасдан, фақат матндаги гапларни фатво қилиб олишингиз ниҳоятда хатарли. Агар шундай қилаётган бўлсангиз, демак, сиз мазҳабда эмас экансиз, сиз мазҳабни тарк қилибсиз, чунки мазҳабнинг ўзига яраша қонун-қоидалари, асослари, бошланғич тушунчалари бор. Буларга риоя қилиш лозим. Фатво бераётганда муфтийлик қоидаларини йўққа чиқариб юбормаслик керак.

Хўп, мана шу ҳолатда сиз билан ташаддудчиларнинг нима фарқи қолади? Улар: «Ҳадис қандай келган бўлса, шундай амал қиламиз», дейишади. Сиз эса: «Қудурийнинг матнида қандай келган бўлса, шундай амал қиламиз», дейсиз. Улар иккинчи асрга қайтяпти, сиз тўртинчи асрга қайтаяпсиз. Нима фарқи бор?

Ақлсиз, фикрлашсиз, қиёссиз, таржиҳсиз, риоясиз, ажратишсиз фикҳ билан яшаш мумкин эмас. Бу ниҳоятда салбий фикр. Мен бу гапларни айтар эканман, Аллоҳ таолодан мана бу гаплар одамларнинг ақлларига, қалбларига тушишини, бундан огоҳ бўлишларини сўрайман. Бугун мен фикҳ дарсларини бошлар эканман, келажакда фикҳ аҳлидан, ижтиҳод аҳлидан бўлишимни англашим керак. Ижтиҳоднинг маъноси «Мен ҳам Абу Ҳанифа бўламан», дегани эмас. Менинг гапимнинг маъноси бу эмас. Бунинг маъноси – «Мен мўътамад қавлни баён қиламан, баъзи қавлларни таржиҳ қиламан, янги масалаларга жавоб айтаман», деганидир. Агар бу ишларни биз, яъни ҳанафий мазҳабида мутахассис бўлганлар қилмасак, ким қолади? Шифокорларни олиб келамизми, «Янги пайдо бўлган масалаларнинг жавобини айтишлар» деб? Ёки муҳандисларними? Уларнинг ҳаммаси ўзининг илмида, ўзининг йўналишида ўзининг вазифасини бажаряпти. Нима учун биз илмда ўзимизнинг вазифамизни бажармаймиз? Фикҳга мутахассис бўлган фикҳ устози бунга қодир бўлмаса, унда дарсдан нима фойда?

Шунинг учун қайси маъҳад, университет, мадрасадаги фикҳ устозлари бўлсин, саҳиҳ йўл билан дарс бераётган шайхлар бўлсин, улар ижтиҳодга етишади. Лекин ижтиҳод битта табақада бўлмайди, ижтиҳоднинг бир нечта табақаси бор. Унинг энг юқори даражаси шуки, сизнинг қавлингиз таржиҳ, тамйиз, таҳриж жиҳатидан бутун дунёга тарқалган бўлади, сиздан кейинги асрларда ҳам оғиздан-оғизга ўтаверади. Бу даражага «Ҳидоя» соҳиби, Қозихон, Содруш-шариъа каби зотлар етишган.

Яна шундай даражалар ҳам борки, сизнинг қавлингиз сиз яшаётган қишлоқ ёки шаҳарда қолади. Мазҳаб ичида ижтиҳод қилиш ўзининг табақасига қараб, ҳанафий фикҳидан саҳиҳ йўлга кўра дарс берадиган ҳар бир кишининг насибасидир. У қанчалик кўп ижтиҳод қилаверса, малака ҳосил қилишдаги мақоми шунчалик ошиб бораверади.

Фикҳий малака – бу таржиҳга, тамйизга, таҳрижга, тақрирга қодирликдир, бунинг натижасида олим янги масалаларда ҳам ижтиҳод қилишга лаёқат ҳосил қилади. Демак, ҳамма замон ва маконларда ҳам мазҳаб ичидаги мужтаҳидлар бўлар экан. Уларнинг вазифаси – нимага амал қилишимизни, нимага амал қилмаслигимизни, ҳукмларни, янги масалаларни баён қилишдир. Улар биз ўрганадиган, биздаги фақат илм қоидаларидан иборат бўлган матнлардан, китоблардан олиб, ўзининг ақли, фаҳми билан ҳаётга татбиқ қилади ва одамларга фатво беради.

«Қудурий»дан битта масаланинг кўринишини олиб, уни одамларга айтиш фақат таҳорат, намоз масалаларида бўлиши мумкин. Лекин ҳатто ибодат масалаларида ҳам ижтиҳоднинг бир навини топишимиз мумкин. Хуллас, фикҳ билан мужтаҳидлар иштирокида ижтиҳод билан яшалади. Бироқ қайси ижтиҳод билан? Мазҳаб ичидаги ижтиҳод билан.

Гапимнинг тасдиғи сифатида уламоларимизни мисол келтиришим мумкин. Катта уламоларга қарасангиз, тарихдаги, эллик йил олдинги уламоларга қарасангиз ҳам, одатда уларнинг олдида фатво китоблари бўлган. Катта уламоларнинг ҳаммасида мана шундай китоблар бўлган. Улар мана шу китоблар асосида таржиҳ қилишган, таҳриж қилишган, тамйиз қилишган. Бу нима дегани? Бунинг маъноси шуки, олдинги комил уламолар мен ҳозиргина сизларга айтган гапларни яхши тушунишган. Лекин афсуски, бизнинг бу борада камчиликларимиз бор.

Энди мавзуимизга келсак, умуман олганда, ташаддудчиларнинг мақосид билан иши йўқ. Мақосид мавзусида фақат таҳаллулчилар билан баҳсимиз бор. Бугунги кунда «мақосид илми» деб айтиладиган илм пайдо бўлди. Авваламбор, шариатни тушуниш учун янги бир илмнинг пайдо бўлиши ҳақида муноқаша қиламиз. Бу савол ҳаммага берилади. Биз кеча ёки бугун пайдо бўлган уммат эмасмиз. Ўн тўрт асрлик умматмиз. Бу уммат шу ўн тўрт аср давомида сақланган, Исломга амал қилган, Исломни ҳаётига татбиқ қилиб, Ислом билан яшаган, деб эътиқод қиламиз. Энди эса бизга: «Бу уммат мақосид илмини билмаган. Мақосид илми бугунги кунда пайдо бўлган, бугунги кунда урф бўлган илмдир, бугунги кунда бу борада минглаб китоблар ёзилди. Тарихда эса уммат бу илмни билмаган»,

дейишяпти. Агар мақосид илми Исломни тушуниш учун керак бўладиган илмлардан бўлса, унда олдингилар адашган экан-да? Уларда Исломни тушунишда мана бу қисм бўлмаган экан-да? Биз ўн тўрт асрдан кейин энди буни кашф қилибмиз-да?

Бундайлар билан ташаддудчиларнинг нима фарқи бор?

Улар: «Биз Китоб ва Суннатга салаф солиҳларнинг фаҳми билан амал қилишни истаймиз», дейишади. Фарқ нимада? Гўёки уммат ўн тўрт асрдан бери салаф солиҳларнинг фаҳмига кўра амал қилмабди-да, энди булар умматнинг адашганини, хатосини, тойилганини кашф қилиб, умматни салаф солиҳларнинг фаҳмига қайтаришмоқчи экан. Биз эса олдин бу қоидани билмаган эканмиз. Энди бизга: «Мен Исломни мақосид илми орқали татбиқ қилишни, тушунишни истайман», дейишяпти.

Бу илм биринчи, иккинчи, ўнинчи асрларда билинмаган эканми? Энди, бугунга келиб кашф қилиндими? Демак, шу пайтгача Исломнинг ҳаётга татбиқи хато бўлгану, энди, ўн тўрт асрдан кейин Исломни тўғри татбиқ қиламиз эканми? Бу жуда хатарли гап. Бу энг ёмон шумланиш!

Бу борадаги иккинчи шумланиш ҳам бор. Мақосидни иккига бўламиз экан, яъни мақосид билан мақосид илмини фарқлаймиз. Мақосид нима ўзи? Мақосид – ғоялар, мақсадлардир. Мазҳабларга қарайдиган бўлсак, мазҳаблар исботлаш ва мақсадларни рўёбга чиқариш учун пайдо бўлган. Демак, бизнинг келишмайдиган нуқтамиз мақосидда эмас экан, балки мақосид илмида экан.

Мақосид нима эканини билмоқчимиз. Мақосид – ғоялар, мақсадлар, фойдалардир.

Мақосид, яъни шариатнинг мақсадларини уч гуруҳга ажратамиз.

Биринчиси – бешта куллий қоида. Булар қайсилар?

1. Амаллар мақсадларга кўрадир.
2. Зарар бериш ҳам, зарар кўриш ҳам йўқ.
3. Зарурат ман қилинган нарсани мувоҳ қилади.
4. Машаққат енгилликни жалб қилади.
5. Одат ҳукм қилади.

Мана шу бешта куллий қоида. Бу – қоидаларнинг биринчи тури.

Иккинчи тури яна бешта куллий мақсаддан иборат:

1. Инсоннинг динини муҳофаза қилиш;
2. Инсоннинг ҳаётини муҳофаза қилиш;
3. Инсоннинг мол-мулкини муҳофаза қилиш;
4. Инсоннинг наслни муҳофаза қилиш;
5. Инсоннинг шаънини, обрўсини муҳофаза қилиш.

Мана шу – шариатнинг бешта мақсадидир.

Учинчи тури – ҳикматлардир.

Намозда қандай ҳикмат бор? Масалан, мусулмон одамни тартибга, интизомга солиш, уни ихлосли қилиб тарбиялаш.

Мана шунга ўхшаб, мисол учун, таҳоратда ҳам хоҳ тиббий, хоҳ руҳий, хоҳ яна бошқа шунга ўхшаш кўплаб фойдалар, ҳикматлар бор.

Демак, бу ибодатларни адо этишдан кўзланган фойдалар, яъни ҳикматлар экан.

Мана, мақосидни бешта куллий қоидага, бешта куллиётга ва ҳикматларга ажратдик. Энди тўрт фикҳий мазҳаб мана шу бешта куллий қоидани бир овоздан қабул қилганми? Ҳа, албатта. Булар тўрт мазҳабда билиттифоқ қабул қилинган ва қарор топтирилган. Янгитдан яратилган нарса эмас бу. Бу қоидалар – шариатда ҳамма таслим бўлган қоидалар.

Хўш, бу бешта куллиёт, яъни инсоннинг динини, жонини, наслини ва ҳоказоларни муҳофаза қилиш ҳам мазҳабларда тортишувсиз қабул қилинган эмасми?! Ахир улар нафақат бизнинг шариатда, балки бошқа шариатларда ҳам қабул қилинган-ку!

Ҳикматларга келсак, намоз ўқисам ҳам унинг ҳикмати бор, таҳорат қилсам ҳам ўзининг ҳикмати бор, савдо қилсам ҳам ўзининг ҳикмати бор. Бунда шариатнинг сир-асрорларига эътибор қилинади. Бу ҳам бор нарса.

Хўш, мақосид мана шу айтиб ўтилган нарсалар билан қўшилиб, янгитдан пайдо бўлганмикан ёки аввалдан мазҳабларда бор бўлиб, қарор топтириб

қўйилганмикан? Ҳозир буни айтаётганлар олдинги уламолардан олганмикан?

Улар мақосид ҳақида гапирганда мана шу учта нарсани: ҳикматлар, бешта куллий қоида ва бешта куллиётни назарда тутишади.

Бу учта нарса аввалдан бор. Матнларда айтилган, фикҳий мазҳабларда зикр қилинган, лекин олдинги уламоларнинг бирортаси буни бир илм деганини кўрмадик. Бу ерда бир ажралиш бор: илмлар ғояларни баҳс қилмайди. Илмлар одатда василаларни, яъни ғояга, мақсадга олиб боровчи йўлни баҳс қилади. Ғоялар илмнинг натижаси бўлади.

Бир киши: «Мен илмга унинг ғояси, яъни мақсади учун амал қиламан» деса, бу жуда ғариб гап бўлади. Шунинг учун ҳам, масалан, бир нарсанинг таърифи унинг моҳияти ҳақида гапиради, лекин унинг шартлари, натижалари ҳақида гапирмайди, чунки натижалар ўз-ўзидан юзага келади. Илм фақат василалар ҳақида гапиради. Сўнгра василалар ўз-ўзидан ғояга етказилади.

Демак, сиз гапираётган ҳамма нарса фикҳий мазҳабларда бўлган экан. Фикҳий мазҳаблардагидан ортиқча нарса топилмайди. Улуғ уламоларимиз илмни гапиришган ва бунинг ғоя эканини билишган. Ғоя бўлгани учун ҳам илмда бу борада баҳс қилишмаган. Шунинг учун уларда мақосид илми бўлмаган.

Муаммо нимадалигини тушундингизми? Демак, биз анавилар билан улар истаган нарсада бир мақомда бўлдик. Лекин улар илмнинг натижалари мажмуасини битта илм қилиб қўйишди. Нима учун улар бундай қилишди? Бундай қилишга уларни нима ундади? Уларнинг асосий мақсади, мақосид илмини чиқаришдан кўзлаган энг асосий мақсади – шариат ҳукмларини, фикҳий мазҳабларни йўққа чиқаришдир. Албатта, бу баъзиларга жозибадор кўринади.

Мақосид илми борасида китоб ёзганларга қарасангиз, ҳаммаси мутлақ ижтиҳод қилишга чақираётган бўлади. Хўш, мутлақ ижтиҳоднинг меъёрлари қандай бўлади? Буни билмаймиз.

Яна гапирганда мазҳабларни масхаралаб, уларнинг устидан кулиб гапиришади. «Бу мазҳаблар қотиб қолган, ортда қолган, бизнинг давримиздан жуда узоқда қолган, биз Исломи татбиқ қилишни истаймиз, замон руҳи билан яшашимиз керак» ва ҳоказо гапларни айтишади... Демак, уларнинг биринчи даъвоси – мутлақ ижтиҳод, кейин эса ҳозир амал қилиб

турилган фикҳни бекор қилиш.

Уларнинг бундан бошқа ҳам бир нечта ғариб фикрлари бор. Улар мақосид илмини қатъий илмлар сирасидан дейишади. Яна биз ихтилоф қилмаймиз, дейишади. Ҳолбуки, ихтилоф – фикҳдаги энг катта асослардан бири. Ихтилофсиз фикҳ жуда чекланиб қолади. Биргина ҳанафий мазҳабига қарасангиз, бу мазҳабнинг муваффақиятларидан бири – бу мазҳабда мужтаҳидларнинг бир неча табақалари борлигидир. Биринчи табақа, иккинчи табақа, учинчи табақа... бор. Шунинг учун ҳар доим турлича фикрлар турлича бўлиб, ихтилоф бўлиб турган. Бу эса одамларга, бутун оламга ёрдамдир.

«Ҳанафий мазҳабига теран нигоҳ» китобидан

Ўзбекистон Республикаси Дин ишлари бўйича қўмитанинг 2024 йил 16 апрелдаги 03-07/2009-рақамли хулосаси асосида тайёрланди.